

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (10.945)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда ЎзЛиДеП ташаббуси билан таъсис этилган «Ишбилармон ўқувчи — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Ғолибларга танловнинг республика босқичига йўлланмалар берилди ва улар ҳомиёлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

• Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан Маслаҳат марказининг ҳудудий телестанциялар масъул муҳаррирлари учун семинар ўтказилди.

• Бухорода «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан «Маҳаллам тарихини ўрганишимиз» кўрик-танловининг вилоят босқичи бошланди.

• «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган «Саломатлик» поезди Хоразмга етиб келди. 50 миллион сўм ҳажмидаги инсонпарварлик юки Хива ва Урганч шаҳарларидаги Меҳрибонлик уйлари, маҳсул мактаб-интернатлар, шунингдек якка-ёлғиз кексалар ва ногиронларга тарқатилади.

• Олмаликдаги 20 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи «Кимёгар» саломатлик мажмуаси «Аммофос» ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти томонидан мукамал таъмирдан чиқарилди. Мажмуанинг шифохона ва поликлиника бўлимлари учун корхона ҳисобидан бир йўла замонавий тиббий ускуналар ҳам сотиб олинди.

• Зангиота туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 20 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур тиббиёт масканида физиотерапия, эмлаш, муолажа, акушер-гинеколог, терапевт, стоматология хоналари ва кундузги стационар ишлаб турибди.

• Урганч шаҳридаги суратлар галереясида қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган «Ер юзининг сайкали» мавзусидаги бадиий кўргазма давом этмоқда.

• Тошкентда Жанубий Кореянинг «Samsung electronics» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ушбу компания корхоналарида ишлаб чиқарилган янги техника ва технологиялар тақдироти бўлиб ўтди.

• Бекобод туманидаги шифо масканлари сони биттага кўпайди. Туман марказидаги Зафар кўрғончасида жойлашган автобус-такси саройи хусусий корхонасида қулоқ, бурун ва томоқ хасталиқларини даволашга ихтисослаштирилган янги тиббиёт шохбачаси очилди. Унда бир вақтнинг ўзига 30 нафар беморга хизмат кўрсатиш, кичик жарроҳлик амалиётларини бажариш мумкин.

• Республика Болалар кутубхонасида ўтказилган семинар-тренинг Тошкент вилояти таълим муассасаларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада яхшилаш масаласига бағишланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Ливия Олий суди Кенгаши ушбу мамлакатдаги 400 нафар болага атайлаб ОИТС касаллигини юқтиришда айбланаётган болгариялик ҳамширалар ва фаластинлик шифокорга нисбатан чиқарилган ҳукмини ўзгартирди. Ҳар бир жабрланувчига миллион доллардан тоvon пули тўлашни муносабати билан ҳамширалар ва шифокорга нисбатан эълон қилинган ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди.

• Польша Президенти Лех Качинский АҚШ давлат раҳбари Жорж Буш билан учрашганидан сўнг Россия томонининг эътирозларига қарамасдан, Америка ракета ҳужумига қарши мудофаа тизимининг Польшада ўрнатилиши ҳақида баёнот берди.

• Россиянинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркиннинг билдиришича, расмий Москва БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Косово масаласида тайёрланаётган янги резолюция лойиҳасида қатнашмапти.

• Кеча Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида йирик авиаҳалокат рўй берди. Шаҳар аэропортига қўнаётган, 170 нафар йўловчи ҳамда 6 нафар экипаж аъзоси бўлган «А-320» аэробуси кўниш йўлагидан чиқиб, портлаши натижасида дастлабки маълумотларга кўра 200 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган.

• Қозғистондан Польшага йўл олган, Украинанинг Львов областида ҳаракатланаётган суоқ сарик фосфор ортилган 15 та вагон номаълум сабабларга кўра издан чиқиб, қулаб тушган ва 6 та вагонда кучли ёнғин бошланган. Ёнғинни ўчириш ишлари давом этмоқда. Ҳалокат натижасида жабрланган 20 нафар киши касалхонага ётқизилган.

• АҚШ Президенти Жорж Буш Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ҳукуматини қўллаб-қувватлаш мақсадида йил охиригача 190 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилишини маълум қилди. Бушнинг фикрича, БМТ, ЕИ, Россия ва АҚШ Фаластин ва Исроил ўртасидаги вазиятни яхшилашда асосий роль ўйнайди.

• Боливия Президенти Эво Моралес мамлакатдаги темир йўл тармоғининг давлат ихтиёрига ўтказилишини маълум қилди. Айтиш керакки, ўтган йил охирида нефть ва газ соҳасидаги компанияларнинг давлат ихтиёрига ўтказилиши муносабати билан мамлакат хазинасига 2 миллиард долларга яқин маблағ тушган эди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Кечка сатрларда

• **БУГУН** Чилонзор туманидаги Халқлар дўстлиги кўчасида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан туман маҳаллаларидан келган болалар иштирокида деворга расм чизиб буйича кўрик-танлов уюштирилди.

• **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тиббий саводхонлик ўқув курсининг навбатдаги машғулот бўлиб ўтди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 271-мактабда «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан фалолар, ёшлар иштирокида ўтказилган йиғилишда тобора яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш, маҳалла ҳудудини, кўчаларни тозалаш, ободонлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

• **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Гулзор», Иброҳим ота номидаги маҳаллаларда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ёш авлодга замонавий билимларни бериш мақсадида ташкил этилган инглиз тили ўқув курсининг машғулотлари бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Бектемир туманидаги 293-мактаб ҳошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Ёни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида тарбияланувчилар иштирокида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилган ўқув машғулотлари «Тилларни ўрганишимиз» деб номланди.

• **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Инфекция: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида ўтказилган тадбир ва кўрик-танлов Ижтимоий ҳимоя йиллига бағишланди.

• **КЕЧА** шаҳримизда илк бор нашрдан чиққан «Ўзбекистон репортери» китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** шаҳримизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан олий ўқув юрталарининг иқтидорли талабалари учун таъсис этилган стипендия совриндорлари тақдирланди.

• **КЕЧА** Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳошидаги Чилонзор академик лицейининг ўқувчилари Мустақиллик майдонида экскурсия қилишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Қўшма корхоналарда

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРГАНЛИГИ БОИС ҲАМ ЧЕТ ЭЪЛИК ХАРИДОРЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА.

Ана шундай корхоналардан бири пойтахтимиздаги «SEDAT TRIKO» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти цехлари ҳам ҳамкор давлатдан келтирилган 1 185 940 АҚШ доллари миқдоридagi технологик жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, бу ерда малакали мутахассисларнинг меҳнати эвазига асосан трикотаж матолари ва кийим-кечаклар ишлаб чиқариш режаланган. Ҳозирда эса импорт ўрини босувчи мазкур корхона маҳсулотларига нафақат ички, балки хориж бозоридан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Корхона ўзининг қисқа даврдаги фаолияти давомида сифатли трикотаж газламалари билан ички бозорни таъминлаган бўлса, улар ишлаб чиқаришини йўлга қўйган янги маҳсулот—кийимларнинг кўркамлигини оширишда кенг қўлланиладиган манжет, яъни жияклар хорижга ҳам экспорт қилинади.

—Илк фаолиятимизни 4 нафар мутахассис билан бошлаган бўлсак, бугунга келиб, ишчи-хизматчиларимиз сафи кенгайиб, 40 нафар-

ни ташкил этмоқда,— дейди қўшма корхона бош директори Исмоил Йилмаз.—Ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида маҳсулотларимиз турларини ҳам кўпайтириб борамиз. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, буюртмаларнинг кўпайиши эса қўшимча ишчи кучи жалб этишни тақозо этади. Шу боис ҳам яқин келгусида яна 60 нафар ишчи-хизматчи учун иш ўринлари яратишни мўлжаллаб турибмиз.



Ҳозирда корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларининг 20 фоизи шартнома асосида Германия Федератив Республикасига экспортга чиқарилмоқда. Келгусида эса мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда хорижлик буюртмачилар сафини кенгайтиришга саъй-ҳаракат қилинмоқда. Шунга алоҳида

таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг ўтган ойларида корхона тадбиркорлари томонидан 150 тонна хом ашё қайта ишланиб, тайёр маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

ШАРИФА ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: мутахассис уста Фотих Ёлгин сифатга эътибор қаратади; тўқимачи Шаҳризода Жамилова хорижий дастгоҳни моҳирлик билан бошқармоқда; тўқувчи механик Насиб Юсупова.

Козим Улмасов олган суратлар



Мустақиллик — тақдиримда

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНАДИГАН КУНЛАР АРАФАСИДА ЎТГАН ВАҚТ ИЧИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР КЎЛАМИГА НАЗАР ТАШЛАШ ЭКАНМИЗ КЎНГИЛДА АЖИБ БИР ИЛИКЛИК УЙНОЙДА. ТАН ОЛИБ АЙТИШ КЕРАК, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКISTONИМИЗ ЎТГАН ЙИЛЛАР ИЧИДА ОЛАМУМУЛ ЮТУҚЛАРГА ЭРИША ОЛДИ.

Хар бир соҳада амалга оширилган туб ислохотлар замирини инсон ва унинг камолоти, ижтимоий муҳофазаси ташкил этди. Мен биргина мисолни ўз маҳаллам тимсолида келтириб ўтсам, қанчалик тўғри фикр юритаётганимизни англаб оламиз.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб буюк кадрларимиз тимсоли бўлиши маҳаллаларга катта эътибор қаратилди, унинг нуфузи ортиб давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни салмоқли даражага етди. Бизнинг Учтела туманидаги Журжоний маҳалласига кириб келган киши уни бугун танимай қолгани мумкин. Истиклол шарофати билан маҳалламиз 2006 йилда бутунлай янгича қиёфа касб этди. 8-оилавий поликлиника, ёпиқ спорт зали ва стадион, энг

муҳими, барча қулайликларга эга бўлган замонавий ва кўркам, барча зарур шарт-шароитлар яратилган маҳалла гузари қад ростлади. 2006 йилнинг 22 августида эса Юртбошимиз маҳалламизга ташриф буюриб, гузаримизни катта тантана билан очилди. Бу кун маҳалладошлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, албатта. Эътиборлиси Президентимиз ушбу мажмуаларни айлиниб кўрар эканлар ўзларининг маҳаллалар ҳақидаги қимматли маслаҳатларини бердилар.

Худудимизда яна ўзбек-турк қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, аёлларимиз тиркувчилик, трикотаж кийимларини тиқиш каби бир қатор ишларга жалб этилган. Спорт мажмуаларида эса 200-300 нафар болажон-

ларимиз спортнинг бир нечта турлари билан астойдил шугулланмоқдалар. Уларнинг бўш вақтларининг тўғри тақсимланганлиги, хар бир маҳалладошимизнинг юриш-туриши, ўқиши, ишлашдан хабардор бўлганимиз учун ҳам худудимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон, 2-3 йил ичида биронта жиноятчилик қайд этилмаган. Маҳалламизда жойлашган 13-милиция таянч пунктнинг «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида Республика миқёсида ғолибликни кўлга киритиб Президентимиз томонидан «Дамас» автомашинаси билан тақдирлангани ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғининг амалдаги ифодасидир.

Мустақиллик нашидасини оилам мисолида ҳам келтиришим мум-

хосликларини инobatта олган ҳолда рўёбга чиқарилаётганини кўрсатади, деди.

«Way Press International» ахборот агентлиги халқаро хизматининг раҳбари Ксавье Фриннинг сўзларига қараганда, брифинг Европа жамоатчилигини мустақил Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотидаги муҳим ютуқлари билан таништириш имконини берди. Унинг фикрича, Европада инсон ҳуқуқлари масалаларига қаратиладиган эътибор ҳисобга олинмаган бўлса Брюсселда ушбу тадбирнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

— Жиноий ва суд-ҳуқуқий тизимини либераллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш ва уларни рўёбга чиқариш мураккаб ҳамда узоқ муддатли жараён ҳисобланадики, у кўп саъй-ҳаракат ва сиёсий иродани талаб этади, — деди бельгиялик журналист. — Шуларни ҳисобга олганда, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар республиканинг мазкур соҳадаги муваффақияти ҳисобланади. Қабул қилинган қонуний ҳужжатларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида энг муҳим босқич ҳисобланади.

Азим МУҲАММАДЖОНОВ,
«Жаҳон» АА
Брюссель

ЎЗБЕКISTONНИНГ БРЮССЕЛДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА БРИФИНГ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БРЮССЕЛДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН БРИФИНГДА БЕЛЬГИЯ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАРИ, ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗЛАРИ, БРЮССЕЛДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ДИПЛОМАТИЯ МИССИЯЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛАР ҲОЗИР БЎЛДИЛАР.

Тадбир Президент Ислам Каримов раҳбарлигида республикада суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мавзусига бағишланди.

Брифингда Президентнинг 2005 йил августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим

қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг маъқуллангани республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантқий давоми бўлди.

Брифинг қатнашчилари Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ўзгаришлар даражасини юқори баҳолашар экан, мамлакат раҳбарияти ташаббуси билан республиканинг ҳуқуқий тизими ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтаётганини таъкидлашди.

Шу ҳақдаги фикрларини баён этар экан, Европа жамоияти томонидан таъсис этилган Рим шартномаси бўйича Қўшма бош котибининг маслаҳатчиси, Бельгия Полиция академиясининг фахрий профессори Клод Мартин, жумладан, юқорида санаб ўтилган қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатни демократлаштириш йўлидаги жиддий силжишлар эканлиги ҳамда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохоти бу жараённинг барча ўзига

Инсон ва қонун

Харакат хавфсизлиги ойлиги

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИККА МАСЪУЛИМИЗ

ШИДДАТ БИЛАН ИЛГАРИЛАЁТГАН ДАВРИМИЗДА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТОБОРА ЮКСАЛИ, УНИНГ МАҲСУЛИ БЎЛМИШ ТЕЗОРАР АВТОУЛОВЛАР ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИНИ ТЎЛДИРИБ БОРМОҚДА. АЛБАТТА, ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, УЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАҲАР ИИББ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ОЛДИГА ҲАМ КАТТА, МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА. АЙНИҚСА, БУ БОРАДА ЙЎЛ НАЗОРАТИ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ҲАҚИДА АЛОҲИДА ТЎХТАБ ЎТИШ МУМКИН.

Тусатдан содир бўладиган автотўқнашувлар, бунда одамларнинг жабр чекиши, пиедаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслиги, яшил чироққа эътибор бермаслик, пиедалар ўтиш йўлакчаси қолиб йўлнинг дуч келган жойидан ўтиш ёки аксинча ҳайдовчиларнинг тезликини ўзбошимчилик билан талабга амал қилмай меъёрдан оширишлари, маст ҳолатда рулни бошқаришлари, қизил чироққа ҳам «учиб» ўтишга уринишлари каби бир қатор ҳолатлар борки, бу албатта йўл ҳаракати хизмати ходимларидан ниҳоятда оғох, сезгир, хушёр бўлиши талаб этади.

Бутун Республикада бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан бир ой мобайнида ўтказилган «Харакат хавфсизлиги ойлиги» ҳам айнан юқоридаги каби ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, пиеда, ҳайдовчи ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини яна бир қарра ўрганиб унга амал қилишни йўлга қўйиш каби ҳайри мақсадларга қаратилди.


Шуни айтиб ўйтиш жойизки, йил мобайнида ЙХХБ раҳбарияти, бўлим ва бўлимлар ходимлари иштротида давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртли ва маҳалларда пиедалар ва ҳайдовчилар билан суҳбат ва учрашувлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилиб келинаётганига қарамай йил бошидан бери шу кунгача шаҳримизда 116447 та умумий коидабузарлик, 42111 марта транспортни маст ҳолатда бошқариш, 19262 нафар транспорт воситаларини бошқариш вақтида уяли те-

лефон аппаратларидан фойдаланиш, 193242 та тезликини ошириш каби ҳолатлар қайд этилган.

— Ойлик давомида ўтказилган рейдлар натижасидан маълум бўлдики, коидабузарликлар асосан ҳайдовчининг транспорт бошқаруви тартибларига риоя қилмаслиги, пиедаларнинг йўл ҳаракатининг оддий қонун-қоидаларини билмаслиги ёки билиб туриб атайин унга амал қилмаслиги оқибатида содир этилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда бўлиш бўлими маси спектори, капитан Бобур Мўминов. — Шунингдек, кўпроқ тезликини ошириш, йўлчи-роққа эътибор бермаслик, носоз транспорт воситасини бошқариш, хушёрлик ва эҳтиёткорликни унуттиш ҳам бахтсиз йўл транспорт ҳодисаларини келтириб чиқармоқда.

Маълумки Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, шу йилнинг 1 январидан ҳайдовчиларнинг транспортни бошқариётган пайтда уяли алоқа воситасидан фойдаланиши тақиқланди. Бироқ айрим ҳайдовчилар бу талабга бепишанд муносабатда бўлмоқдалар.

Ёки Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 мартдаги «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғри-



сида»ги қарорига кўра жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланишлари белгилаб қўйилди. Айни кунларда ушбу қарор ижроси бўйича рейдлар ўтказилиб, 80-90 фоиз ҳайдовчиларнинг ушбу қоидага амал қилаётганлиги кузатилмоқда. Ахир хавфсизлик камари ҳайдовчи ва йўловчиларнинг тан жароҳати олмасликлари, ҳаётлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Менимча тарбияни оилада, болалар жуда кичкиналикдаёқ боғча, мактабда эътибор билан олиб бориш лозим. Бугун биз шаҳримиздаги 36 та мактаблар қошидаги оромгоҳларда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз — эндигина ҳаётга қадам қўётган болажонлардан тартиб катталаргача ўз ҳаётини турли хавфу хатардан сақлаш ўзининг қўлида эканини тушуниб етсин.

Биз инсон ҳаёти, хавфсизлиги ва турли бахтсиз ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга қаратилган қарорларга оғиш-майл амал қилсақ, киминдир ҳаёт шами бевақф сўнмайди, киминдир оиласида аччиқ кўз ёш тўқилмайди, не-не орзу-умидлар билан ўстираётган фарзандларимиз ота ёки она меҳринан жудо бўлмайди, фарзанд доғида ҳеч ким ўртанмайди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш фақат мутасадди ташкилот ходимларининг иши эмас, умумиларга айланса жуда кўп дўстимиз ҳодисаларнинг олди олинадиган бўлишимиз.

Зеро, ҳаёт инсонга фақат бир марта берилади, шундай экан унинг бевақф сўнмаслиги учун ҳар биримиз масъулликини, масъулият ва бурчимизни сезишимиз керак.

Шонра МУҲАММADOVA
СУРАТЛАРДА: ойлик давомида бўлиб ўтган тадбирлардан лавҳалар

Қонунларимизни ўрганамиз

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЮРТИМИЗДА ДАВЛАТ ИДОРЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМ ФАОЛИЯТ ЮРИТИ КЕЛМОҚДА. УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲУҚУМАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИБ, МУҲОФАЗА ЭТИЛГАН.

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларини (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, маънавий ва номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдалар мақсадларда тузилган.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилотига фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият турларининг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Улар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз Устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтайтиб қўйилиши мумкин.

2005 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 239 ва 239-моддаси 1-қисмида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат фондлари фаолиятига оид ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Нодавлат нотижорат ташкилот-

лари (диний ташкилотлар бундан мустасно), шунингдек, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) фаолиятини амалга ошириши — энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг ҳамда уларнинг ходимларининг сиёсий уставдаги мақсад ва вазифаларга тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда қатнашиши, бошқа ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқиши ва тузишни қўллаб-қувватлаши

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишига ёки ўш беш кунгача муддатта маъмурий қамоққа олиб келади.

Жамоат фондининг ҳар йилги маъмурий харажатларининг жами суммасини, шунингдек, фондининг вазийлиги кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошириб юбориши;

жамоат фондининг мол-мулкдан фойдаланганлик тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни эълон қилмаслиги

— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат, нодавлат нотижорат ташкилот, идора ёки муассаса бўлсин у инсон манфаати йўлида хизмат қилади. Унинг жамият фаолиятидаги иштирокида маълум қонун-қоидаларга амал қилишга ундайди. Бу эса инсонларнинг ҳаётда қоқилмасдан тўғри ва одилона яшашига мезон бўлади.

Умид РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар Адлия
бошқармаси ходими

МУСТАҚИЛЛИК БИЗГА ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИ, ТАРИХИМИЗНИ, ЎЗЛИГИМИЗНИ ҚАЙТАРДИ. ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙ ЯШАШ, ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ ЙЎЛИДА ЭМИН-ЭРКИН МЕҲНАТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРДИ. ШУНДАЙ ЭКАН УШБУ ОЛИЙ НЕЪМАТНИ ҚАДРЛАШ, КЎЗ ҚОРАЧИГДЕК АСРАБ-АВАЙЛАШ, УНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҲИССА ҚЎШИШ ШУ ЮРТ ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР.

Хусусан, бу борада ўсиб келаётган ёш авлодни ҳуқуқий саводхон, жисмонан соғлом ва ақлан баркамол этиб тарбиялаш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида тарихий аҳамиятга эга бўлган ўзгариш ва янгиланишларни бошидан кечираётган, жамият ва давлат ҳаётини демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш жараёнига реал

воқеликка айланган экан, шу юртга муносиб авлод ҳам вояга етмоғи даркор. Албатта ҳақ-ҳуқуқлар, ижтимоий ҳимояси турганини аҳолига кенг қамровда тушунтириб бера оладиган соҳа мутахассислари зиммасидаги масъулият салмоқлидир.

Жумладан, бугунги кунда ёшларимизни оила аталмиш бахт қўлига етказиладиган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ҳамда ҳуқуқий, тиббий саводхонликни, маданиятни ошириш бўйича бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда режаланиш олиб бориш мумкин. Маълумки, оила — Ватан ичра мўъжиз Ватан, у ўзаро иттифоқлик, тотувлик, меҳр-муҳаббат асосида қурилади. Оилада истиқбол эгалари — фарзандлар камол топади. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза этилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, оилага эътибор кўчмади. Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил «Оила» йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг «Оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги, «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» йанада кўчатириш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди, оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат миқёсидаги муҳим ишга айланди. Оилада соғлом муҳитни шакллантириш, фарзандлари-

мизни соғлом-бақувват қилиб ўстириш билан бир қаторда, уларни юксак маънавиятга инсонлар этиб тарбиялашга асосий эътибор қаратилди.

Асосийси мамлакатимизда соғлом фарзандларнинг дунёга келиши, ногиронлик, турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори шулар жумласидан бўлиб, ушбу қарорга мувофиқ никоҳланувчиларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтиши белгилаб қўйилди. Айни шу жараёнда бошлаб улар ўзларига тегишли бўлган марказий ва оилавий поликлиникадан кўриқдан ўтиб бир-бирларининг соғлиқларини ўрганиб, танишиб чиққан ҳолда никоҳлари Оила кодексининг 13, 14, 15, 16, 17-моддаларига асосан қайд этиладиган бўлди.

Соглом оиланинг шаклланиши, баркамол фарзандларнинг вояга етишида ушбу тиббий кўриқнинг аҳамияти каттадир. Бўлажак оиланинг соғлом бўлиши, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида 2005 йилдан бошлаб никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш амалиётига жорий қилинди. Бу бўлажак оила пойдеворининг мустаҳкам бўлишида ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, мен фаолият олиб бораётган Оила маросимлари маркази томонидан ҳам ёшларнинг никоҳдан ўтиш тўғрисидаги аризалари қабул қилиниб, келин-куёвларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда тўй ўтказиладиган жойларда уларнинг никоҳлари тантанали равишда ота-оналар, қариндош-уруғлар иштирокида сайёр равишда қайд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, барча никоҳланувчи шахсларга никоҳга кириш учун ариза ёзган кунидан бошлаб, ҳар бирига алоҳида 5 та асосий йўналиш: рухий, наркологик, захм, сил, ОИТС ва бошқа касалликлар бўйича тиббий кўриқдан ўтишлари учун йўллама берилади. Тиббий кўриқ натижасида аниқланган касалликлар мутахассис шифокорлар на-

зоратига олиниб даволаш муолажалари олиб борилади. Шу ўринда мен иш тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтмоқчи эдимки, ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари ариза бергандан кейин эмас, балки таниш-ганадан сўнг, икки томон тўғри розилик бериб илк тайёргарлик юмушлари бошланиб кетганда бўлиши керак деб ўйлайман. Чунки тиббий кўриқдан ўтганда бирон касаллик аниқланса, уни даволаш учун албатта вақт керак. Тўй кунини белгилаб қўйилса ёшлар даволаниш учун вақт озлигидан шошиб қоладилар ва даволанишга асосий эътиборни қаратмайдилар. Бу эса албатта келажақда ёш оилаларнинг бузилиб кетишига, норасида гўдакларнинг етим бўлиб қолишига олиб келади. Бу тўрида яхшилаб, пухта ўйлаш лозим бўлади деб ўйлайман. Чунки ҳар бир инжирозга оз тутган оила тақдири бизни бефарқ қолдирмай оғох бўлишга, ажримларнинг олдини олишга чақиради.

Яна ўз-ўзиндан бу ҳолат ўсиб келаётган ёшлар, турмуш қуриш оstonасида турган ўғил-қизларга жуда эрта таълим-тарбия бериш, қариндош-уруғлар иштирокида сайёр равишда қайд этилмоқда.

Демакки, ушбу дастур ҳар бир соҳа ходими учун дастурамал бўлмоғи, улар эртанимиз издошларини Ватанимизга муносиб фарзанд, келажақ дарвомиши этиб тарбиялаш ишига ўзини масъул деб билимоғи керак. Юртбошимиз айтганларидек: «Табир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табарруқ заманига эзгу ниёт билан бир ниҳол эқомчи бўлсақ, уни айнан шу бугун эқомчилик керак».

Раён КАРАБАЕВА,
Оила маросимлари марказининг иш юритувчиси

Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШ ТЕХНИКА

«ЎЗКИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «ТОШКИШЛОҚМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР.

Қишлоқ хўжалиги учун замонавий, юксак унумлеҳника-механизмлар ҳамда уларга керакли бўлган зёт қисмлар ишлаб чиқаришда мазкур жамият аъзоларимли меҳнат қилишмоқда. Айниқса, кейинги 3-4 йиобайнида замон талаблари асосида иш юритаётган жона аҳли фермер ва деҳқон хўжалиқлари учун мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳақиқиядадор бўлаётган 10 турга яқин сифатли техникаларда ушбу машиналар учун 40 хилдаги эҳтиёт қисмлар лаб чиқаришни йўлга қўйди. Эътиборли томони, жамият илдан 2 та шўба корхона жорий йил бошида ташкилдан бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишидаарнинг муносиб ҳиссаси бор.

Жумладан, корхона аҳли машина-механизмлар ёрлашдан ташқари, ички бозоримизни ўрганиш, ҳақор талаб эҳтиёжига кўра хариддоригр халқ истеъмоли лари ишлаб чиқаришни ҳам уддалашмоқда. Масаларидоригр қозон, гантел, тарози, боғ аравачаси, пластосса челақ, илгичлар каби ўнлаб турдаги товарлар нҳат ички бозоримизда, балки Туркия, Қозғоғистон ҳамдуркманистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Бунинг натижасида корхонанинг тўрт йил ичида алгига қараганда ишлаб чиқариш ҳажми 3 бараварга вачиҳизматчиларнинг иш ҳақлари ўртача икки бараварртд. Бундай муваффақиятларга эса ўз-ўзидан эришани йўқ, албатта. Корхона тадбиркорлари ички бозорзқни чуқур ўрганиш, самарали савй-ҳаракатлар, исланиш туйфайли янада улкан мақсадларни кўзлаганлар.

ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БУЁН ИЧКИ БОЗОРИМИЗ ЎЗИНИНГ СИФАТЛИ, КЎРКАМ, ПИШИҚ-ПУХТА, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШ ЙЎЛИДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «GUNCHА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ТОВАРЛАРИНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА.

Ҳозирда мазкур жамият аҳли «GUNCHА» савдо ёси билан мавсумий кийим-кечаклар: пальто, шуба, юмчиш, плаш, куртка, сарафан, комбинезон, кўйлақлаби 100 дан ортиқ турдаги чироийли дизайндаги кийимҳалларни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатлатоларидан тикмоқда ва миқозларни мамнун этмоқда.

Эътиборли томони, корхона тадбиркорларинингмарали савй-ҳаракатлари, хариддорларнинг хоҳиш-исчдан келиб чиққан ҳолда матолар ёрқин рангли, чиро сураатлар туширилган, чидамли, ранги ўчмайдиган, сийси, юртимиз иклимига жуда мос бўлиб, об-хавожиқликлари ҳисобга олинади.

Корхона цехларига ўрнатилган юксак самарали ттоҳ, усқуналар, маийши, тикув машиналари, жиҳозлашчиҳизматчиларнинг баракали меҳнат қилишларига мқдор бўлмоқда. Жамоа аҳли асосан давлат буюртмалари баҳарий асосида иш юритади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЕВА

КОМПАНИЯНИНГ ЕТАНИ КОРХОНАСИ

«ЎЗБЕККИММЭМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИ КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ ЙИРИК КОРХОНАЛАРДАН БИРИ СИФАТЛИ ФАОЛИЯ КЎРСАТМОҚДА.

Нефть ва газни қайта ишлаш саноати учун зарурилмалар етказиб бераётган бу корхонада металлургиялов берувчи мосламалар ҳам ишлаб чиқарилимоқда.

Бу ерда янги очилган цехлар ана шу мақсад учун хизмат қилмоқда. Пайвандлаш участкалари ҳамшиқил этилди. Углеродли ва зангламайдиган пўлатларгашлов берувчи аппаратлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Акциядорлик жамияти ўзининг 60 йиллик санаи ана қатор ютуқлар билан нишонлади.

Фан

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ

ТОШКЕНТ КИМЭ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАСИДА ПОЛИМЕР, ФАРМАЦЕВТИКА В ЦЕЛЛОЛОЗА-ҚОҒОС САНОАТИНИНГ ҚАТОР ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЗ БОРИЛМОҚДА.

Ортопедик стоматологияда ишлатиладиган турматериаллар намуналарини яратишга доир тадқиқоз ҳам амалиётга таъбиқ этилди.

«Ортопедик стоматология учун шиша-кристалматериаллар тайёрлаш» деган мавзудаги изланишлар кутилган натижани берди. Табиий хом ашёдан каталаштирилган кристалли шишалар ҳосил қилишга доийҳа ҳам яратилди. Шу усулда амалга ошириладиган илажалар ўз сифати билан ажралиб туради ва даволан тишларнинг янада мустаҳкамлигини таъминлайди.

ИЛМИЙ ТўПЛАМ ЧОП ЭТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ВА МАРКЕН ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНЙЎН ЙИЛ ТўЛДИ. ШУ ДАВР ИЧИДА МАРКАЗНИНГ МИЙ-ТЕХНИКАВИЙ САЛОҲАТИ ЯНАДА ОШДИ.

«Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда қазилмий тавсиялар йозага келиди. Бу эса тадбиркорлик субъектига методик ёрдам беришда қўл келмоқда. Шунинг стандартларни жорий этиш учун ҳам фойдаси катта бўлди.

Марказ фаолиятини ёритувчи илмий тўплам чоп этилди.

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ

МАНА, БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, GERMAN-ЎЗИ ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛМҚДА.

Тошкент Давлат педагогика университетини чигиллар кафедрасининг профессори Хуррам Раҳимов шамиятнинг аъзоси сифатида Германиядаги германшуолима Габриэлла Келлер билан илмий ҳамкорликда қаттадиққотларни амалга оширди.

Яқинда Германияда немис тилида чоп этилгЭртакшуносликка кириш» деган тўплам ҳам бу икки маркази олимлар тадқиқотлари самараси бўлди.

АКБАЛИЕВ

Фармон ва ижро

Ишлаб чиқарувчиларга янги имкониятлар

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИ ТЕХНИК-ТЕХНОЛОГИК ЖИХАТДАН ҚАЙТА ЖИХОЗЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ҲУКУМАТИМИЗ ОЛДИДА ТУРГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 14 МАРТДАГИ «ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИХОЗЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ АНА ШУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАРДАН БИРИДИР.

Мазкур Фармонга кўра, ишлаб чиқарувчилар учун ниҳоятда катта имкониятлар яратилган бўлиб, у биринчи навбатда аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, бозорларимиз тўқин-сочинилигини таъминлаш ва шу билан бирга ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир.

Шулардан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчи субъектларга фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ турлари бўйича катта имтиёзлар яратилди. Хусусан, ҳўжалик юритуви субъектлари киритган тadbиркор беш йил мобайнида ушбу технология қийматига тенг микдорда, аммо

лашса, ана шу олинган кредит микдоридидаги маблағ қийматида амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан фойдадан олинган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, кредит ва лизинг қарзларини қоплаш учун туланган суммалар солиқ солиши базасидан чегирилади. Ассобонунлар харид қилиш учун фойдаланилган манбалар бир мартага солиққа тортиш базасидан камайтирилади. Модернизация учун олинган кредит маблағлари қайтарилганда объектнинг қиймати солиққа тортиладиган базадан кетма-кет камайтирилиб борилади. Мабодо модернизация учун йўналтирилган маблағлар солиққа тортиш базасидан кўп бўлса, қолган маблағлар қисми келгуси солиқ даврига ўтказилади. Бунга шундай изоҳ бериш мумкинки, агар ишлаб чиқарувчи билан келишилган ҳисобот даври (3, 6, 9 ойлик)да янги технологияларнинг амортизацияга йўналтирилган суммаси охиб кетса, у ҳолда фойда солиғи базасидан модернизациялаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилган маблағлар суммасини камайтирмаслик белгиланган.

Шунингдек, Фармондан ишлаб чиқаришга жорий этилган замонавий жиҳозлар беш йил муддатта мол-мулк солиғига тортмаслик тўғрисидаги имтиёзлар ўрин олган.

Бундан ташқари, ягона солиқ тўлови бўйича ҳам қатор имтиёзлар яратилган бўлиб, унга кўра ўзларининг ишлаб чиқаришлари янги технологияларни киритган тadbиркор беш йил мобайнида ушбу технология қийматига тенг микдорда, аммо

ягона солиққа тортиладиган базанинг 25 фоизидан кўп бўлмаган микдорда солиқ имтиёзларига эга бўлади. Фармон бўйича ишлаб чиқилган Низомга кўра, ишлаб чиқарувчи модернизация учун шахсий маблағидан, кредит ёхуд лизинг шартномалари асосида маблағ йўналтирилган қийматининг солиққа тортилган база қисми уч йил давомида камайтирилиб борилади.

— Фармоннинг амалдаги ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилган дастлабки мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудимиздаги бевосита моддий неъмат ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар ушбу имтиёзлардан тўлағича фойдаланишса, биргина фойда солиғидан 42,1 миллион сўм, мулк солиғи бўйича 21,3 миллион сўм, ягона солиқ тўлови юзасидан эса 55,8 миллион сўм маблағни тежаб қолиш имконияти мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдумалик Қажрамонов. — Кўриниб турибдики, Фармонга кўра ишлаб чиқарувчиларимиз учун ниҳоятда катта имконият яратилган бўлиб, тadbиркорларимиз келгусида орттирилган ана шу маблағлар эвазига ўзларининг ҳўжалик субъектларини янада кенгайтиришлари мумкин бўлади. Бу янги-янги иш ўринларининг яратилишига ва бозорларимизда саноат молларининг янада сөрөб бўлишига хизмат қилади.

Оқорида биз ишлаб чиқаришни ривожлантирувчиларни рағбатлантириш учун яратилган имтиёзларнинг айримларининг келтириб ўтдик, хусусан. Вақоланчи, ушбу имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар олиш истагида бўлганлар ўзларининг ҳудудларидидаги солиқ идораларига бемалол мурожаат қилишлари мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

ҲИНДИСТОННИНГ «UNITY INTERNATIONAL» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАРИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЧОП ЭТИЛДИ. НАШРНИНГ БИР БЎЛИМИНИ ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛГАН МАҚОЛАЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР КЕЛТИРИЛИШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРАДИ.

«UNITY INTERNATIONAL»: ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДА

«Unity International» журнали 1965 йилда шу ном билан ташкил этилган халқаро жамғарманинг нашридир. Жамғарманинг асосий вазифаси — Ҳиндистоннинг хорижий мамлакатлар билан муносабатларини ривожлантириш, халқаро миқёсда ўзаро тушуниш таъминлаш ва турли халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат. Журнал ўқувчиларини, асосан, давлат органлари, дипломатия, илмий-таҳлилий ва ишбилармон доиралар вакиллари ташкил этади.

«Ўзбекистон — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакат» сарлавҳали мақола орқали журналнинг юртимиз билан ақинроқ танилиши баробарида ўзбек халқининг бой ва қадимий маданияти, мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга бўлади.

«Ўзбекистон, — деб ёзади муаллифлар, — жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ва қадимдан Марказий Осиёда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб келадиган давлатдир. Унинг тўпирои ниҳоятда унумдор бўлиб, мева, сабзавот ва бошқоқ ўсимликлардан бир йилда уч мартагача ҳосил олиш имконини беради».

Бугунги Ўзбекистон ҳудуди инсоният цивилизацияси пайдо бўлган ва давлатчилик юзига келган марказлардан бири эканлигини таъкидлар экан,

нашр ўзбек халқи ўзининг бой маданияти ва тарихи билан машҳур эканлигини қайд этади. «Ўзбекистоннинг умумий қиймати 3,3 триллион долларга тенг, деб баҳоланаётган улкан табиий захиралари унинг жаҳон энергетика бозоридида муҳим ўрнини белгилаб беради», — деб ёзади «Unity International».

«Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари ривожланмоқда» ҳамда «Ҳиндистон билан Ўзбекистонни муштарак тарихий ва маданий алоқалар бириктириб туради» сарлавҳали мақолаларда икки томонлама алоқаларнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида ҳикоя қилинади. Уларда икки мамлакат халқларининг маданияти, тарихи ва аъёнларининг муштараклиги замонавий шароитда ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига уруғ берилди.

«Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик фаол тарзда амалга оширилмоқда, — деб қайд этади муаллифлар. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил апрель ойида Ҳиндистонга буорган давлат ташрифи Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг ҳам аъёнвий, ҳам янги соҳаларини тараққиёт этишига кучли туртки берди».

«Жаҳон» АА, Дехли

«Камолот» ТАЪТИЛДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАМИЗ

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ШАЙХОҲТОҲУР ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛНИНГ ЁЗ МАВСУМИ ДАВОМИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА. ЛОЙИХАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН АСОСИЙ МАҚСАД ТУМАН ҲУДУДИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛУВЧИ БОЛАЖОНЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛЛАРИ ДАВОМИДА МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИГА ҚЎМАКЛАШИШ, УЛАРНИ МАЪНАВ ВА ЖИСОНАН ЧИНИҚТИРИШ, ЎСМИР ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ҲАР ЖИХАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДИР.

Жорий йилда ушбу лойиҳа июнь ойидан бошлаб туман ҳудудидаги маҳаллаларда иш бошлаш билан бирга мактаб қошидаги оромгоҳлар, «Кўчма оммавий спорт», «Сиёсий-ҳуқуқий ва диний саводхонлик» дарслари, «Компьютер саводхонлиги», «Кўчма кино», «Музейларга ташриф», «Хайвонот боғига ташриф», «Маданий-матрифейд тadbирлар», «Биринчи тиббий ёрдам», «Қариялар патронажи», «Шахардан ташқари оромгоҳлар», «Камолот иқтидорлари», «Зулфия чечаклари», «Тилларни урганамиз», «Деворга расм чизиш» йўналишлари бўйича фаолият олиб бормоқда.

Шу кунга қадар «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида мактаб қошидаги оромгоҳларнинг биринчи мавсуми якунланди. Биринчи мавсумда туманда жойлашган 34, 41, 98, 115-мактабларда 125 нафардан болажонларнинг ёзги таътиллари мароқли ўтишига қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган оромгоҳларда «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлимининг энг фаол сардор ва етакчилари томонидан «Келинг, танишамиз!», «Балли, йигитлар!», «Истеъдодларни излаймиз!», «Миллий халқ ўйинлари» каби бир қатор тadbир ва танловлар оромгоҳларнинг сардорлар кенгаши аъзолари ташаббуси остида ўтказилди. 12 кун давомида болажонлар сардор ва етакчилар ёрдами билан «Камолот» ва «Камалак» фаолияти билан янада яқиндан танишиб олдилар.

«Кўчма спорт ўйинлари» доирасида туманда жойлашган «Хадра», «Хохота», «Белтепа», Ибн Сино, «Қоратош», «Катта ховуз» маҳаллаларида арқон тортиш, стол тенниси, бадминтон, шашка, шахмат, футбол, шунингдек қувноқ, стартлар мусобақалари ўтказилиб, фаол иштирок этган болажонларга Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

«Хадра», Хувайдо, «Илгор», «Янги Камолон», «Сарҳумдон» маҳаллаларида «Сиёсий-ҳуқуқий ва диний саводхонлик» соатлари ўтказилди. 25 июндан бошлаб эса тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож oilаларда истикомат қилувчи 30 нафар ўсмирларга «Компьютер саводхонлиги» дарслари ўтказилмоқда.

Лойиҳа доирасида 100 нафар болажонлар Тошкент хайвонот боғига, Темируйлар тарихи давлат музейига экскурсияга боришди.

Алия БАЙМАГАМБЕТОВА

БЎЛҒУСИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТУМАН БЎЛИМИ, ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ, ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ, ТУМАН МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ЁЗ МАВСУМИДА ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИХАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА ҚАРОРИГА АСОСАН НАШРНИНГ БИР ҚАНЧА МАҚОЛАЛАРИДА «ТИББИЙ ЁРДАМ», «БЕМИННАТ ХИЗМАТ», «ДИНИЙ САВОДХОНЛИК» КАБИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ушбу тadbирларни ўтказишдан асосий мақсад, ёшларнинг ёзги таътилини сермазмун ўтказиш, кам таъминланган oilалар фарзандларининг билим савиясини ошириш, уларни қизиқишига қараб тўғрақарларга жалб қилишдан иборатдир. Ушбу масалалар бўйича «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтган анжуманда тadbирнинг ўтказилиш жойлари, матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёриштириш, гоилбарли тақдирлаш каби вазифалар «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими томонидан белгиланиб, масъулиятини ҳис қилиш, қўзланган мақсадга эришишга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси ташкилотчилари бу каби хайрли вазифани сидқидилдан адо этиб, ёшларнинг таътил вақтида яхши дам олишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, албатта.

Маъруф ХўЖАҚУЛОВ, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШМОҚДА

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН КЕНГ МИҚЁСДА ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Туманининг қатор умумтаълим мактаблари қошидаги ёзги оромгоҳларда болаларнинг таътилдаги вақтини сермазмун ҳамда янада мароқли ўтказиш мақсадида турли қизиқарли акциялар, кўчма спорт ўйинлари, болалар истеъдодини намоян этишга қаратилган тadbирлар уюштирилмоқда. Яқинда туманда ташкил этилган «Кўёшжон» (242-мактаб), «Нихол» (134-мактаб), «Оймома» (323-мактаб), «Қалдирғоч» (315-мактаб) мактаб оромгоҳларида навбатдаги тadbирлар бўлиб ўтди. «Дунё болалар нигоҳида» акциясида иштирок этган болалар асфальт йўлларга ўз дунёқарашлари асосида бир-биридан чиройли расмлар чизишди. «Ёш мусавир ижоди» танлови ҳам болаларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Спорт — соғлиқ гарови» шiori остида ўтказилган қатор кўчма спорт ўйинлари болакайларнинг шодон кайфияти ҳамда шижоати уйғунлиги асосида ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши томонидан янги ёзги таътил вақтида ташкил қилинаётган тadbирлар таътилни умумли ва мазмунли ўтказиш билан бирга болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, миллий урф-одатлар ҳамда маданиятимизга бўлган фахр туйғусини уйғотишга қаратилган бўлиб, тумандаги юзлаб болаларнинг кўтаринки кайфият руҳида дўстона мусобақаларга бўлган иштиёқларини оширмоқда.

Фаҳридин ХУРРАМОВ, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

Ёз — ўтмоқда соз

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА ОҒТОБИ БУТУН БОРЛИҚҚА ҲАРОРАТ УЛАШАЁТГАН АЙНИ КЕЗЛАРДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИ СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРДА ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗМОҚДАЛАР.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган таъкидлари ососида олиб борилаётган ишлар самарасини «Бўстонлик» туманидаги «Радуга» соғломлаштириш ёзги болалар дам олиш маскани фаолиятида кўрдик.

Кунни кеча ушбу ҳордиқ чиқариш оромгоҳида: «Мустақиллик байрами барчамизники, бутун халқимизники» мавзусида танкичи ёзувчилар, шоирлар ва санъат намояндalари билан учрашув ўтказилди.

Тadbирда сўз олган «Технолог» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Радуга» соғломлаштириш ёзги болалар дам олиш



Меҳр — кўзда

ЯНА ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

Жаҳон шодликлари йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун. Жалолиддин РУМИЙ КИШИ УМРИНИНГ ЭНГ МУНАВВАР, УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАРИ КЎП БЎЛАДИ. ЛЕКИН УЛАР ОРАСИДА ЯҚИН БИРОДАРЛАР БИЛАН КЎРИШМОҚ, ЙИЛЛАР ТЎФОНИДА ҚОЛИБ КЕТГАН ХОТИРА БИСОТИНИ ВАРАҚЛАБ, МАНГУЛИККА АЙЛАНГАН ЛАҲЗАЛАРНИ ЯНА БИР БОР БЎЛСА-ДА ТИРИЛТИРМОҚ САОДАТИНИНГ ГАШТИ ЎЗГАЧА.

Агар таъбир жоиз бўлса, шахримиздаги «Туркистон» ресторанида ўтказилган дийдор кечасини ана шундай шуқуҳли, фарахбахш тadbирлардан бўлди, десак адашмаймиз. Аникроғи, бу кун бундан 30 йил му-

қаддам 4-ўрта умумтаълим мактабини битирган собиқ ўқувчилар эндиликда кексалик гаштини сураётган ўқитувчи мураббийлари билан бир пиёла чой устида учрашишди.

— Ҳаётда кўп нарсаларни ортга қайтариш мумкин, — дейди эндиликда мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой туман ўқув спорт-техника клубининг олий тоифали ўқитувчиси Валижон Тўйчиев биз билан суҳбатда. — Бирок ҳеч нарсага туткич бермас вақтингизга ортга қайтариб бўлмайди. Шу боис ҳам ўқувчилик йилларимизни соғинамиз, атиги бир сония бўлса ҳам ўша бегубор даврларга қайтгимиз келади. Бугунги дийдорлашув онларини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад ҳам ана шу хайрли тилакнинг ҳосиласидир.

Бинобарин, 1976-77-йилларда мустақил ҳаётга учирма бўлган 60 нафар ёшларнинг барчаси бугун ҳаётда ўз ўрнига эга, ўз соҳасини пухта эгаллаган етук кадрлар, мустақил мамлака-

тимиз тараққиётига ҳисса қўшаётган мутахассислар бўлиб етишди. Уларнинг 2 нафари олий маълумотли шифокор, яна икки нафари ҳисоб-бухгалтерия ходими, яна бир нечтаси тиббиёт соҳасини танлашган. Энг муҳими, улар қаерда, қайси соҳада бўлмасин доимий аъёнага содиқ қолишди, собиқ синфдошлар билан учрашувни интиқлик билан кутишади.

Албатта, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишда, эндиликда кексалик гаштини сураётган Эргаш Қосимов, Олимжон Дадаўжаев, Мансур Абдуллаев, Зокир Тошпўлатов, Раҳим Мақсудов ва Абдулла Ҳожибоев сингари собиқ ўқитувчиларнинг ҳиссаси беқиёс. Улар ўша пайтларда ўқувчиларига фан сабоқларидан машғул ўтаркан, бугунги ширин дамларни кўнглидан ўтказган бўлса не ажаб.

Кечада устозлар ана шу мароқли дамлар ҳақида тўлқинланиб сўзлашди. Собиқ шоғирдларига улкан зафарлар тилашди.

Хумоюн АЛИЕВ

СУРАТЛАРДА: собиқ ўқувчиларнинг учрашув кечасидан лавҳалар. Максим Черногаев олган суратлар



Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Инсонда ўткинчи бўлган яхши ва ёмон сифатлардан ошиб, унинг ўзлигига бормоқ ва уни обдон танимоқ лозим. Одамларнинг бир-бирларига берган васфлари уларнинг асосий васфлари эмасдир.

Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол: сўздан унинг кимлигини билиб оласан.

Кўнгилнинг ўзига хос завқлиниши бор.

Агар аъзолардан бири қандай завқ олса, қолган аъзоларнинг барчаси шу завқ ва лаззатга фарқ бўладилар ва ўзга бир лаззат истамаслар.

Инсондаги туйғулар маъно нуқтаи назаридан ягона ва жамъ, кўринишидан эса айри-айридир.

Илмсиз зухд бўлмайди.

Бир ҳақиқат юзта шубҳадан авлодир.

Ишончда ҳам бир қанча даражалар бор. Аммо кўрқув ва унинг даражалари тўғрисида бир аломат кўрсатиш мумкин ишонч даражаларининг аломати йўқдир.

Қайси йўлдан борсанг, аҳволинг тезроқ яхшиланади?

Ўйлаб кўр ва сенинг илгарилашингни қайси иш таъмин этса, сен ўшани қил.

Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бирок, зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машгулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир. Зулмат ва пардаларнинг бўлишига қарамай, инсон ичидаги бир нарсани ўқи олади. Энди қара, ўртада пардалару қоронғиликлар кўтарилса, у нималарни билиб олмайдими, дейсан. Ахир тикувчилик, меъморчилик, дурадгорлик, заргарлик, мунажжимлик, ҳақимлик ва яна саноксиз санъатлар ҳам инсондан, унинг ичидан юзага чиққан, тошдан ё кесакдан ҳосил бўлмаган.

Дарахтлар қишда япроқ ёзиб, мева бермаса, уларни меҳнат қилмапти дема. Улар ҳамма вақт ишлайдилар. Бирок, қиш йиғиш, ёз эса сарфлаш пайтидир. Ҳамма харжланганини кўради, тўпланганини эмас. Чунончи, бир одам зиёфат бериб, сарф-харажат қилса, қолганлар буни кўради. Лекин шу зиёфат учун оз-оздан йиққанини ҳеч ким пайқамас. Асос бўлган нарса тўпланган (кирим)дир. Сарфланган (чиқим) тўпланган (кирим)дан майдонга келади.

Золим ҳеч қандай хайрли ва фойдали иш қилмаган кимсадир.

Бутун олам бир уйдан ортиқ нарса эмас.

Ақл инсон вужудида бир амир кабидир. Модомики, вужуд раиятлари унга бўйсунса, барча ишлар текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан қўл-оёқдан ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаъқулчиликни кутиш мумкин.

Бир ишда Унинг инояти ҳосил бўлса, инсон юз минг марта заҳмат чекишдан ҳосил бўлган ишни майдонга келтиради.

Инсон дастлаб ушоққина, заиф бўлади, бироқ шу заиф учкунни парвариш этсанг, гуркираб оламни ёқади.

Ичкаридаги ўғри келиб эшикни очиб бермагунча, ташқаридаги ўғри уйга киролмайди.

Дарахтга намлик, аввало, унинг илдизидан келмаса, сен юқоридан куйган сув — беҳуда.

Кўринишидан юз ёшда бўлса ҳам, аммо нарсаларнинг фақат зоҳиринигина биладиганлар ҳали боладирлар.

Эзгу тушунчалар ёвуз тушунчалар ўрнини эгаллаши учун курашмоқдамиз.

Баъзиларнинг амали бору илми йўқ. Баъзилари эса — аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир.

Илм ҳамма нарсадан устундир.

Кўз-кўз учун амал қилган кимса ярамасдир.

Нафс хоҳишларини адо этишдан сақланганга, абадий муродингизга етасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

СЕРГЕЛИ ТУМАН МАҲАЛЛАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРНИ ДОИМИЙ РАВИШДА СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ, ИҚТИДОРЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ, БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ ҲАМДА ЎСМИРЛАР ТОМОНИДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ СЕРГЕЛИ ТУМАН БЎЛИМИ, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТУМАН БЎЛИМИ, СЕРГЕЛИ ТУМАН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БЎЛИМИ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА СЕРГЕЛИ ТУМАН МАҲАЛЛАЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ЁШДАГИ ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» ТУРНИРИ ЎТҚАЗИЛДИ.



Мусобақалар

Сергели туманидаги 33 та маҳалланинг футбол жамоалари турнирда иштирок этиб, 9-10 ёшлилар ўртасида «Баҳор» маҳалласи жамоаси, 11-12 ёшлилар ўртасида «Ёшлик» маҳалласи жамоаси, 13-14 ёшлилар ўртасида ҳам «Ёшлик» маҳалласи жамоаси, 15-16 ёшлилар мусобақасида «Нўғайқўрғон» маҳалла жамоаси ғолибликни қўлга киритдилар. Мусобақада фахрли ўрин-



ларни қўлга киритган жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар топшилди.

Мирзо МУҲАММАД АЛШЕР «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

СУРАТЛАРДА: туманда бўлиб ўтган турнирдан лавҳа

ЎТГАН КУНИ ЎТҚАЗИЛГАН УЧИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИДАН KEYIN ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ «А» ВА «В» ГРУҲЛАРИДА ҒОЛИБ ЧИҚИБ, ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН ТЕРМА ЖАМОАЛАРНОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.

Осиё чемпионати

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

«В» гуруҳида битта дуранг, битта мағлубият билан мутахассислару мухлисларни ҳайратга солган Австралия терма жамоасига тайландликлар билан ўтказилган учрашувдан сўнг ниҳоят ғалаба насиб этди. Австралияликлар учрашувда тўлиқ устунлик қилган ҳолда рақибларини йирик 4:0 ҳисобида мағлуб эта олишди ва чорак финал йўлланмасини қўлга киритишди.

Биринчи турда айнан австралияликлар билан муроса йўлини танлаган уммонликлар Ироқ терма жамоаси билан кечган ўйинда ҳам тенгма-тенг ўйнаб 0:0 ҳисобидаги дурангга рози бўлишди. Ушбу гуруҳдан чорак финалга иккинчи йўлланмани Ироқ терма жамоаси қўлга киритди.

«А» гуруҳидаги сўнгги тур беллашувлари куйидагича якунланди: Япония — Вьетнам

— 4:1, Қатар — БАА — 1:2. Ушбу гуруҳдан Япония ва Вьетнам терма жамоаларига чорак финалда ўйнаш ҳуқуқи насиб этди.

Энди 21 июлда Вьетнам — Ироқ ҳамда Австралия — Япония терма жамоалари ярим финал йўлланмаси учун ўзаро куч синашилади.

БУГҲН эса «С» ва «Д» гуруҳларида учинчи тур учрашувлари ўтказилади. Унда Ўзбекистон — Хитой, Эрон — Малайзия, Индонезия — Жанубий Корея, Бахрайн — Саудия Арабистони терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади.

«С» гуруҳи вакили бўлиш юрдошларимизга ғалаба қозонган тақдирда кейинги босқич йўлланмаси насиб этади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Фойдали маслаҳатлар

ҚАНДАЙ ШАРБАТ ИЧИШ КЕРАК?

УЗОҚ ВАҚТ ДАВОМИДА ЁШ ВА СОҒЛОМ БЎЛИШНИ ИСТАГАН КИШИ ЯНГИ МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАБИИЙ ШАРБАТЛАРНИ КЎП ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШИ КЕРАК. ШАРБАТЛАР ЧАҲҚОҚНИ ҚОНДИРИБГИНА ҚОЛМАЙ, ОРГАНИЗМДАГИ КЎП НОХУШЛИКЛАРНИ ЙЎҚОТАДИ.

Апельсин шарбати. Апельсин шарбати С витаминига бойлиги билан аҳамиятли, у йилнинг совуқ пайтларида шамоллашнинг олдини олади. Тонусни оширади, қон томирларни мустаҳкамлайди, чаҳқоқни йўқотади. Ушбу шарбатни ичиш атеросклероз, гипертония, жигар хасталикларига тавсия қилинади.

Карам шарбати. Карам шарбати тозаловчи восита бўлиб, у сабзи шарбати билан аралаштириб истеъмол қилинса, организмни мустаҳкамлайди ва шамоллашнинг олдини олади, айниқса милклар инфекциясида фойдали.

Сабази шарбати. Сабази шарбатида каротин, витамин А, кальций, фосфор ва темир кўп, уни ёшлик эликсири деб ҳам айташди. У иштаҳани ошади, овқат ҳазм қилишни яхшилайди, тишларни, асабни мустаҳкамлайди, организмнинг юқумли касалликларга қаршилигини кучайтиради. Кўриш қобилиятини яхшилайди.

Помидор шарбати. Помидор шарбатида аскорбин кислота, темир, каротин кўп. Бу шар-

бат кам калорияли, озиклантирувчи кулайуқа ҳисобланади. Помидор шарбатида деярли чет-чатка йўқ, шунинг учун у айниқса қон айланиш органи касалликларига тавсия қилинади. Шунингдек, эмизикли ва ҳомилдор аёллар учун фойдали.

Олма шарбати. Олма шарбатини книнг ўпкасида муаммо бўлса, бронхит, шунингдек, чекувчиларга ичиш тавсия қилинади. Ға ярим стакан олма шарбати ичилса фас йўллари ишини яхшилайди. Кўп миқдор темир моддаси (у камқонликда айниқса фойдали) бор ва буйракдаги тошларни майдал қилариш хусусиятига эга. Олмада пектинодаси кўп бўлиб, организмдан шлакларни чиқаради.

Бодринг шарбати. Бодринг шарбази юқори даражадаги калий қон босими юқи ва паст бўлган кишиларга фойдали. Кўп те касалликлар ва тил, милкларнинг ёмон ҳолатида яхши ёрдам беради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш буйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркор субъектларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда уларнинг тақлифларини ўраниш буйича бошланган бизнес лойиҳаларга тезкор равишда кўмаклашиш мақсада учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан, Сиз ўз фаолиятингизда учраётган муаммо ва тақлифларни 2007 йилнинг 20 июлига қадар Кенгашнинг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг худўи бошқармаларига ёзма ёки оғзаки равишда беришингизни сўраймиз.

Сизни ушбу йиғилишда иштирок этиш учун тақлиф этамиз. Учрашувлар ҳар томонлама самарали бўлиши учун аввалдан худудий бошқармаларнинг қуйидаги телефонла мурожаат қилишингиз мумкин:

№	Туманлар	Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси телефон рақамлари	Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман ДСИларининг телефон рақамлари	Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси телефон рақамлари	Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ва туман ахборот-маслаҳат марказлари телефон рақамлари	Туман ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари телефон рақамлари
	Тошкент ш.	132-00-97	144-60-45	162-92-42	150-31-01	
1	Бектемир		195-17-06		195-02-80, 195-02-42	195-02-80
2	Мирзо Улугбек		162-17-28		267-25-42	267-36-86, 267-36-82
3	Миробод		54-27-83		54-68-19	133-13-47
4	С.Раҳимов		148-05-15		148-07-83, 148-18-58	148-07-54, 148-07-66
5	Сергели		58-27-02		58-07-17	51-55-25
6	Учтепа		274-62-84		274-96-46	117-47-82
7	Ҳамза		369-58-35		191-36-10	191-35-80, 191-50-32
8	Чилонзор		276-98-37		276-91-96	276-90-30, 276-91-94
9	Шайхонтоҳур		139-16-76		135-36-78, 142-01-09	132-23-18
10	Юнусобод		135-89-86		134-01-23	135-52-52
11	Яккасарой		253-79-56			55-17-18, 55-73-69

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 17 август кунини соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига **ҚУЙИДАГИ МУЛКНИ ҚУЙМОҚДА:**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 30 майдаги 7273/4-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, К.Шарипов кўчаси, 50-уй манзилда жойлашган «O'zyog'ochqog'ozsavdo» ОАЖга тегишли ум.майд. 912 кв.м.дан ташкил топган қурилиши тугалланмаган 2 қаватли маъмурий бино. **Бошлангич баҳоси-80 217 798 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилгани ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Аска» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкдаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Мунажжим башорати

ТАШАББУСЛАР УЧУН ХАЙРЛИ ФУРСАТ

19 ИЮЛЬ, ПАЙШАНА
Мунажжимларимиз бугун сизларни ўзгалар манфаати қурбони бўлиш эҳтимолидан огохлантиришади. Бугун одамларда сулҳпарварлик, тобеллика мойиллик ҳамда бошқалар таъсирига берилувчанлик намоён бўлиши кутилади. Пухта ўйланган ташаббуслар учун бугун хайрли фурсат ҳисобланади.

малаканингизи ошириш;
— ўзингизни қизиқтирган муаммо тақдир этишга кўпроқ эътибор бериш;
— дастурчилар, компьютерлар ва ишқа замонавий техника мутахассисларини мулоқотда бўлиш;
— турмушингизга турли янгиликларни жорий эта боришингиз;
— ҳар қандай вазиятда босиқлик ғалффаросат билан иш кўриш тавсия этиди. Хиссиётларингизни ҳаддан зиёд жикин намоён этиш, ҳасад, рашк ва бошқаларий хиссиётлар таъсирида ҳаракат қилдан сақлангиз.

Ой сайёрасининг самовий одатий кундалик ишлар билан банд бўлишга даъват этади. Мих топиб олиш бугун ҳаётда мустаҳкам ўринингизни топишингиздан даллат берувчи яхшилик аломатидир.

БУГҲН:
— меҳнатни илмий асосда ташкил этиш,

Ёрқин, ялтироқ, оқликка яқин тусливлардан тикилган либосларга устуворлик синг.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲСКИМЛИГИ

Буюртма Г- 606

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қўзғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефон муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилиб ва саҳифаланади.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41а.

1 2 3 4 5